



ТОШКЕНТ

Газета 1998 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 154 (9.192)

1998 йил

30 декабрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ЮТУҚЛАРИМИЗ ЯНАДА КЎПАЙВЕРСИН!

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов билан суҳбат

— Козим Носирович, анъанага кўра йилни яқунлар эканмиз уни сарҳисоб қиламиз. Маълумки, 1998 йил республикада Ойла йили сифатида ўтди. У пойтахтимиз ва унинг аҳолиси ҳаётининг барча соҳаларида қандай из қолдирди?

— Биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, яқунлардан йил пойтахтимиз учун ҳар доимидек яратувчилик меҳнатига бой бўлди. Иқтисодийнинг ўсиши, кишилар фаровонлигининг ошishi борасида янги ютуқларга эришилди.

1998 йил Ойла йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан юқоридаги ишлар алоҳида аҳамият касб этди. Албатта, асосий эътибор республика Вазирилар Мажлисининг 1998 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишга қаратилди. Шунинг билан ҳам, «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ва «Ойла манфаатларини таъминлаш тўғрисида»-ги қарорларни амалга ошириш борасида 1998 йилда халқ ҳужа-лигининг барча соҳаларида муайян ижобий ютуқларга эришилди. Жумладан, 120 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва бунинг дегирли 90 фоизи иқтисодийнинг нодавлат секторига тўғри келди.

Шаҳарнинг саноат тўғрисида ишлаб чиқариш ҳажмларининг умумий ўсиши кузатилди. Айниқса, ёнги ва кимё саноати (136,3 фоиз), ёнги қайта ишлаш ва целлюлоза (110 фоиз), металл ишлаб чиқариш (101,9 фоиз) соҳаларида юқори кўрсаткичларга эришилди. Анъана тусига айлангандек, Тошкент шаҳрида бутун йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, бир қатор маъмурий бинолар, ижтимоий-маиший йўналишдаги объектлар, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари қуриб, фойдаланишга топширилди. Албатта, Ойла йилида уй-жойлар қурилиши, тошқинликларнинг тўғри жой-маиший шaroитларини яхшилаш бўйича ишлар фаол давом эттирилди. Чунки, йил бошидан бунга 430 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жойлар фойдаланишга топширилди. 45 километр ичимлик суви, 52 километр оқова сувлар, 60 километр узунликдаги газ тармоқлари ўтказилди. Бундан ташқари, 665 ўринли болалар босчаси, 2517 ўқувчиға мўлжалланган мактаб, битта сменада 480 та бемори қабул қилувчи поликлиника ҳамда 180 ўринли даволаш муассасалари фойдаланишга топширилди. Демак, Тошкентдаги юзлаб оилалар уй-жойларини ўтказдилар, ўз маиший шaroитларини яхшиладилар, ижтимоий соҳанинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга муваффақ бўлдилар.

Шубҳасиз, шаҳарда иқтисодийнинг соғломлаштириш бўйича баҳариландиган барча ишлар оила манфаатларини таъминлаш доирасида амалга оширилди, зеро унинг пирова-рд мақсоди — кишилар фаровонлигининг умумий даражасини кўтаришдан иборатдир. Бу борада пойтахтда қимматли қўзғолар бозори ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда самарали меҳнат бозорини ташкил этиш бўйича янги қадамлар қўйилди. Худди шу мақсадларни амалга ошириш учун шаҳар иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб этиш, рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган маҳсулот чиқаришни ўстириш, шунингдек, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирish бўйича ишлар давом эттирилди.

Яна бир қарра айтишнинг мумкинки, Тошкент шаҳрида яқунлардан йилда қилинган ишларнинг барчаси у ёки бу жиҳати билан оила манфаатларини таъминлаш дасту-рини амалга ошириш билан боғлиқ бўлди.

— Маълумки, яқунлардан йил қатор улкан аҳамиятга эга бўлган, жумладан қад-рлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизими-нинг ислох қилиш дастурларининг қабул қилиниши каби умумдавлат миқёсидаги муҳим воқеаларга тўла бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юқоридаги йўналиш-лар ҳар қандай давлат учун ҳам энг асо-сийлардан ҳисобланади. Бу борада Тош-кент шаҳрида нима ишлар қилинди?

— Ҳеч шубҳасиз, гулдаклардан тортиб кек-саларгача бутун миллат саломатлиги тўғри-сида ҳамхўрлик ва ҳаётининг барча жа-балари учун малакали кадрлар тайёрлаш юза-сидан ҳамхўрлик — бу бутун жамият ва дав-лат келажига тўғрисидаги ҳамхўрликдир. Шу сабабдан, ушбу муаммоларга мамлакатимиз рақобатини томонидан нечоғли катта аҳа-мият қаратилаётганили билан барчага тушу-нарлидир. Ушбу йўналишда шаҳар ҳокимли-ги томонидан ҳам муайян ишлар амалга о-ширилмоқда. Мен соғлиқни сақлаш тизими-ни ислох қилиш давлат дастури тўғрисида тў-хатиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республика-си Президенти Ислам Каримовнинг тегиш-ли қароридан кейин биз 2005 йилгача мўл-жалланган тадбирларнинг аниқ режасини иш-лаб чиқдик, уларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари тасдиқланди.

Ушбу дастурда асосий эътибор нодавлат секторига тиббий муассасаларнинг тар-моғини кенгайтириш, пулли тиббиётга бо-сқича-босқич ўтиш ва сууртавий тиббиёт-

нинг асосларини ташкил этишга қаратилган. Буларнинг бари аҳолига тиббиёт хизматла-ри кўрсатилиши даражаси ва сифатини кес-кин оширишга имкон туғдиради. Тиббиёт муассасаларини хусусийлаштириш, умуман соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг асосий йўлларидан бири ҳисобланади. Бун-дан ташқари, мазкур дастурда тез тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, даволаш муассасалари моддий-техник неги-зини яхшилаш ҳисобида шифохоналарда кой-ка-ўринларнинг қисқартирилиши кўзда тути-лади. Бинобарин, 1999 йилда янги қасалхо-на ва поликлиникаларни қуриш ва мавжуд-ларини тўла таъмирлаш, замонавий даволаш ва таххис қўйиш асбоб-анжомларини харид қилиш учун 2,2 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Жумладан, келаси йилда Сергели ва Бектемир туманларида қасалхо-налар, Ҳамза туманида поликлиника ва Юну-субод туманида туғруқхона мажмуасини фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шаҳарда таълим соҳасида бозор ислохот-ларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратган кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тadbик этиш юзасидан ҳам салмоқ-ли ишлар бажарилмоқда. Тугаллаётган йил-да учта академик лицей ва учта касб-ҳунар коллежининг очилиши бошланган қайта ку-риш ва янгилашни жараёнининг дастлаб-ки ва яққол далилидир. Бу ерда республика-нинг етакчи олий ўқув юртиларида ўз малака-ларини оширган юздан ортиқ педагоглар фаол-лик кўрсатмоқда. Бундан ташқари, бу ерда-ги таълим жараёни бир вақтинчи ўзида умум-таълим даражасининг оширилиши билан бир-га чуқур иқтисодлашиш билан алоҳида фар-кланади. Республика Президентини яқинда бўлиб ўтган Вазирилар Маҳмадиниинг йи-гилишида сўзга чиққанларда таълим тизими-ни ислох қилиш ва умуман, кадрлар тайёр-лашда халқ қулуви аҳамият касб этувчи ака-демик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини кенгайтириш зарурлигини алоҳи-да таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас. Ва биз 1999 йилда пойтахтда 13 та академик лицей ва 16 та касб-ҳунар коллежларини очили-ш режалаштирилган.

— Кириб келаятган янги 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинди. Албат-та, давлат ва жамият қурилиши, муқад-дас урф-одатларимизни мустаҳкамлаш, маънавиятимизни тиклаш, соғлом авлод-ни тарбиялаб, баркамол инсонлар қилиб еттиштиришда аёлларнинг тўғри ўрни қаттиқдир. Козим Носирович, Тошкент шаҳрида Аёллар йили Давлат дастури-ни амалга ошириш борасида қандай ишлар-ни тadbик этиш кўзда тутилганлиги тўғ-рисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, юртимизда кейинги йил аба-дий гузаллик тимсоли бўлиши — Аёллар йи-ли сифатида ўтади. Асрлар оша аёл — Ҳаёт, Севги, Гузаллик тимсоли ҳисобланади. Бир-роқ, замонлар ўзгармоқда ва аёл илгариги-дай таъзимга лойиқ саналсада, ҳаётда фаол роль ўйнаш, етакчилик ўрни учун ўз ҳуқуқ-ларини тобора қатъийроқ билдирмоқда. Ва бу қонунга мувофиқдир. Бутун мустақиллик йил-ларида жамият ва давлат қурилишида аёл-лар ролини қўчайтириш бўйича амалга оши-рилаётган ишларни давом эттирган ҳолда ша-ҳар ҳокимлиги йўлбошчимизнинг 1998 йил 9 декабридаги Фармониға мувофиқ ҳозирги кунда Аёллар йилиға мўлжалланган тад-бирлар дастурини ишлаб чиқмоқда. Бунда асо-сий эътибор аёлларнинг ижтимоий-иқтисо-дий, маънавий-ахлоқий манфаатлари ва эҳ-тиёжларини амалга ошириш учун шaroитлар-ни яхшилаш, уларнинг фуқаролик ҳамда иж-тимоий ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган. Ойлада аёллар ролини қўжайтиришнинг маънавий-ҳуқуқий асосларини ташкил этиш, ишбилармон аёллар ролини фаоллаштириш ва уларни иқтисодийнинг ислох қилиш жараё-нига жалб этиш, давлат ишохлари ва иж-тимоий ташкилотларни бошқаришда аёллар макомини кўтариш кўзда тутилмоқда.

Албатта, бундан ташқари, келаси йилда уй-жойлар ҳамда ижтимоий ва маиший йўна-лишдаги объектларнинг қурилиши фаол да-вом эттирилади ва улар ичидан энг йиғири Аёллар маркази бўлиб қолиши мўлжаллана-ди. Ушбу марказда аёлларға маиший, ҳужа-лик, тиббий соҳалардан тортиб то ҳуқуқча-га бўлган турли-туман қўмақлар кўрсатиш бўйича барча керакли хизматлар ва ташкилотлар жамланади. Шунингдек, ҳар бир тумандаги аёллар маслаҳатхоналари ишини яхшилаш, уларни энг замонавий асбоб-ускуналар бил-лан жиҳозлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, буларнинг бар-часи — пойтахтда аёлларимиз макомини ой-лада, бизнесда, жамият ва давлат қури-лишида янада юқори кўтариш борасида амалга оширилиши мўлжалланаётган ишларнинг фа-қат кичик бир қисмидир.

— Суҳбатимиз сўнгига барча тошк-ентликларға анъанавий тилак ва табрик-ларингиз...

— Мана, навбатдаги меҳнат йили ҳам яқун-ланмоқда. Албатта, бунга ҳаёт дейдилар. Ун-да хурсандчиликлар ва ташвишлар, ютуқлар ва муаммолар бўлиши табиийдир. Ва Янги, 1999 йил арафасида мен барча тошкентли-ларға янада кўпроқ ғалаба ва ютуқлар, бахт ва хурсандчиликлар, мустахкам соғлиқ, ҳар бир оила ва бутун мамлакатимизға тинчлик ва барқарорлик тилайман! Азиз ҳамшаҳар-лар, Янги йилинғиз муבורак бўлсин!



Янги йил арафасида
шаҳримиздаги Меҳрибон-
лик уйлари ҳамда мактаб-



кайфиятини улашди. Тарбияла-
нувчилар арча атрофида айла-
ниб қўшиқлар ва рақслар иж-

Суратли ахборот

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

интернат тарбияланувчи-
лари учун катта байрам
ташкил этилди.

КЕЧА

«Туркистон» саройида ўт-
казилган Президент арча-
си болакайларға олам-
олам қувонч бағишлади.

Бу ердаги ранг-баранг
чироқларға бурканган катта
арча, Қорбобо, шўх мусика-
лар уларға ҳақиқий байрам

ро этишди, кўрик-танловларда
катнашдилар, Қорбобо, масха-
рабоз иштирокидаги театрла-
штирилган томошалардан бир
дунё завқ олдилар. Буларнинг
барчаси уларға мамлакатимиз
Президентининг чин дилдан
тақдир этган совғаси эди.

Сўнгра болажонлар ширин-
қулчалар, мазали ичимликлар
ва бошқа егуликлар билан бе-
затилган дастурхон атрофиға
ўтиришди. Байрам сўнгига

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Туркистон»
саройида бўлиб ўтган Янги
йил байрамидан лавҳалар.

Рашид Галиев
олган суратлар.



Танловлар

ҒОЛИБЛАРИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Маълумки, Ўзбекистон Ома-
вий ахборот воситаларини
қўллаб-қувватлаш ижтимоий-
сиёсий жамғармасининг Тош-
кент шаҳар бўлими Ойла йили
дастури амалга оширилишини
матбуот, телевидение ва радио-
да чуқур, эркин ва ҳар тараф-
лама ёритиш мақсадида «Улуғ
ва аҳил оила» шiori остида
ижодий танлов эълон қилган
эди.

Янги — 1999 йил арафасида
ана шу танловға яқун ясалди.
Ҳайъат энг яхши ижодий иш-
лар бўйича ғолибларни аниқ-
лади. Биринчи ўрин ва бирин-
чи мукофот она-Ватанин улуғ-
ловчи ўн қисмдан иборат шеър-
ий қасидаи учун шоир ва
журналист Шўкур Дадашға бе-
рилди. Шунингдек, иккинчи
кичи ва учта ўнчини мукофот,
рағбатлантирувчи мукофот со-
ҳиблари ҳам аниқланди.

КЕЧА

ана шу мукофотларни топ-
шириш маросими бўлди.
Уни Тошкент шаҳар ҳокими-
нинг ўринбосари, Ўзбекис-
тон Оммавий ахборот воси-
таларини қўллаб-қувватлаш
ижтимоий-сиёсий жамғар-
масининг Тошкент шаҳар бў-
лими раиси Эркин Эрназ-
ров топширди.

Ватан раънақи йўлида
жамиятимиздаги барча
фидойи инсонлар ва со-
лом-фироқлик қилиш-
нинг қуч-қувватини,
сўй-ҳаракатларини, ор-
зу-истакларини бирлаш-
тириш — давр тақозоси-
дир.

Ана шу давлат мамла-
катимизда юзага келган
янги сиёсий қуч — Фи-
докорлар миллий-демок-
ратик партиясининг 28
декабрь кўни Тошкентда
бўлиб ўтган Таъсис кон-
ференцияси иштирокчи-
лари фикр-мулоҳазала-
рида қайта-қайта тилға
олинди.

Делегатларнинг фикри-
ча, Ўзбекистон бозор иқ-
тисодиёти ислохотлари бил-
лан боғлиқ босқичча-бос-
қич ислохотларни муваф-
фақият билан амалга оши-
риш бориш бораберида,
миллий анъаналар устувор-
лиги, умуминсоний қад-
риятлар тахрибаси асоси-
да демократик-ҳуқуқий дав-
лат барпо этиш, фуқаролик
жамияти қуришдек давом-
ли ва ўта маъсулиятли жа-
раёнини бошдан кечираёт-
ган ҳозирги пайтда жамия-
тининг аъзолари бу қадар
залворли ҳамда катта кў-
ламдаги ўзгаришларнинг
тарқоқ ва лойқайд томоша-
бинлари бўлиб қолишлари

мутлақо мумкин эмас.

Дарвоқе, бундай ҳулоса на-
фақат анжуман аҳлиға тегиш-
ли, балки янги партиянинг
жойлардаги минглаб тараф-
дорлариға ҳам дахлдорлиги-
ни эслатиш лозим. Зотан,
амалдаги қонунчилик бўйича
янги сиёсий партия қамида
беш минг кишининг истак-хо-

ДАВР САДОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президент Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳмаиси мажлисида, шунинг-
дек, биринчи ҷаҳриқ Олий Мажлисининг ўн унчини сессиясида
сўзлаган нутқларида қўйилган вазифалар мухокамасига бағиш-
ланиб кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

• Олий Мажлис «И. А. Назаровни Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб тасдиқлаш тўғ-
рисида» қарор қабул қилди.

• Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик
судининг таркибига ўзгариш киритиш тўғрисида» қарор қабул
қилди.

• Тошкентда янги сиёсий ҳаракат — «Фидокорлар» миллий
демократик партиясининг Таъсис конференцияси бўлиб ўтди.
Унда Марказий Кенгаш ижроия қотибояти сайланди. Ўзбекис-
тон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минта-
қалараро тадбиркорлар институтини директорини ўринбосари Эркин
Норбутов «Фидокорлар» миллий демократик партияси Бош
қотиби этиб сайланди.

• Нукусда биринчи ҷаҳриқ Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгесининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

• Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий
Судининг навбатдаги пленумида «Боҳжона қонунчилигини бу-
зиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғри-
сида», «Фуқароларнинг суд ишлариға доир муқожатларини
қўриб чиқиш амалиёти ҳақида»-ги ва бошқа масалалар муҳока-
ма қилинди.

• Андижон механика заводи жамоаси Янги йил арафасида
альпистлар учун жиҳозлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

• Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида
«Ташаббус-98» тадбиркорлар танлови ташкилий қўмитасининг
мажлиси бўлиб ўтди.

• Пойтахт виллоятининг Бекобод туманидаги Ойбек номли
ҳўжаликда Янги йил арафасида 620 ўринли замонавий мактаб
фойдаланишға топширилди.

• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кў-
митасининг навбатдан ташқари еттинчи пленуми бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон жаҳон тиллари Давлат университети қошида
испан тили ва маданияти маркази очилди.

• «Марғилон қон атласи» акциядорлик жамиятида Янги йил
арафасида шойи газмолларнинг туркуми экспортга жўнатишға
тайёрлаб қўйилди.

• Олимпия Шон-шўҳрат музейида спортчиларнинг катта гуру-
ҳиға юксак давлат муқофотларини топшириш маросими бўлди.

• Ҳиндистон маданият марказида ёш ўзбек мусаввири
Файзулла Аҳмадиниёв кўргазмаси очилди.

• Кеча «Гуллистан» Меҳрибонлик уйида Янги йил арча байра-
ми ўтказилди.

• Тошкентда «Ўзбекистон — Болгария» дўстлик жамияти тақ-
димоти бўлиб ўтди.

• Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва
маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгашида Янги йил ва
Рождество байрамлариға бағишланган тантанали концерт ўтқа-
зилди.

• Япониянинг Нийгата шаҳридаги Халқаро университетда
Марказий Осиёда хавфсизлик масалалари бўйича халқаро се-
минар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Ре-
спубликаси Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср
бўсағисида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва
тараққиёт қарорларини» қитобини муҳокама қилишди.

• Бельгиянинг Брюгге, Кортрейк ва Гент шаҳарларида Ўз-
бекистон, Россия, Украина, Белоруссия, Чехия, Болгария ва
Руминия халқ усталари яратган буюмларнинг халқаро кўргаз-
маси ўтказилди. Ўзбек усталари яратган буюмлар томошабин-
ларда катта қизиқиш уйғотди.

• Туркия Президенти Сулеймон Демирал мамлакатнинг барча
сиёсий партиялариға муқожаат қилиб, Бош вазир Эрез томо-
нидан муваққат ҳуқуқат тузиллишиға ёрдам беришини сўради.

• Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Вадим
Густов ягона валюта неғизида Россия ва Белоруссиянинг ягона
бюджети 2000 йилдан бошлаб яратилиши ҳақида хабар қилди.

• Асакада ишлаб чиқарилаётган «Нексин» автомобиллида са-
марқандлик Рашид Холиков ва тошкентлик Валерий Ларионов-
лар Самарқанд, Тошкент-Москва-Лиссабон йўналиши бўйлаб ик-
ки китға ўзга мароқли савҳат ўнатирилди.

• Эроннинг апелляция суди Тухронинг собиқ мари Карбас-
чаға берилган жазони енгиллаштиришға қарор қилди. Қамок
жазоси 5 йилдан 2 йилға тўширилди, қамчи билан ўриш жазо-
си ўрниға ун минг долларлик жарима белгиланди.

• Об-хаво Австралия аҳолисиға қўтилмаган Янги йил совға-
сини олиб келди. Ёзнинг қўқ ўртасида ушбу яшил китғада ҳам-
маёқ оппоқ қорға бурқанди ва ҳарорат 4 даража совуққача
тўшиб кетди. Одатда ана шу пайтда ҳарорат 40 даражадан
иссиқлини қўрсатар эди.

• Чеченистонда ўғирланиб, кейин қатл этилган тўрт хориж-
лик жасоди қонлиқларни Буюк Британиянинг Озарбайжондаги
элисиниға топширилди. Кеча қатл этилганларнинг жасади Лон-
донға жўнатилиди.

• Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев томонидан эълон
қилинган амнистияға мувофиқ 12 мингдан ортиқ киши жиноий
жавобгарлиқдан озод қилинди. У эртаги нишонланадиган оза-
байжонликларнинг тинчлик бирдамлиги қуни муносабати би-
лан амалга оширилди.

• Колумбиянинг шимолидаги Аррейя де Пьедра қўрғонида
газ қувурининг портлаши оқибатида 15 киши ҳалок бўлди ва 70
киши қаттиқ жароҳатланди.

• Ирландияда жуда қаттиқ довул ўтди. Бир одамнинг авто-
моби ўтга дарахт қўлиб, ҳалок бўлди. Ирландия соҳилла-
рида шаклонинг тезлиги соатига 160 километрга етди.

• Бундан тўрт кун муқаддам Анголда халокатга учраган
самолётнинг қолдиқлари Ангولا омонидан туриб аниқланди.

• БМТ Ангولا ҳуқуқат қўшунлари ва УНИТА муҳолифат гуру-
ҳининг ўт очилишини 48 соатға тўхтатиб туришини эълон қи-
лишға ҷаҳриқди. Бу нарса бортда БМТ миссияси аъзолари
бўлган ва фалокатга учраган «Геркулес» С-130 самолётини қи-
диришини бошлашға имкон беради.

мизда шу пайтгача мавжуд
бўлган туртта партиянинг жа-
миятимизда тўтган аҳамияти-
ни камситмаган ҳолда, бугун-
ги кунда мазкур сиёсий фир-
қаларнинг фаолияти жамият-
ға таъсири унчалик сезил-
маётганлигини ҳам эслатмас-
лик мумкин эмас. Шундай
экан, янги тузилган партия

хили ва имзоси асосида таш-
кил топиши мумкинлигини на-
зарда тутсақ, Фидокорлар
мил

МИРМУХСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчисиЎЗБЕКНИНГ
САХОВАТЛИ ФЕЪЛИ**Кутлуг Мохи Рамазон кунлари. Янги йил бўсағасида ватандошларимизни муҳаббат этиб, захматкаш ва жонжон халкимиз шайнига бир-икки сўз айтмоқни лозим топдим. Қувлик-шумликдан узок, тўрисиёз, захматкаш андишали халкимиз доимо омон бўлсин!**

Дунёда саховатли инсонлар кўп, лекин ўзбекларчалик табиятан ва феълан сахий қалб эгалари кам бўлса керак. Меҳмонлар учун эшиги очик ва дастурхон шай, битта қулчани дўсти билан бўлиб баҳам кўришга одатланган бу халқ. Хатто Мўмин амаки узокдаги азиятларининг саримсоқ пиез истеъмол қилмай, олмаю анор, навшатю узум емай тишлари тўкилиб кетаётган эмиш деб, яшиқ-қопларни тўдириб Сибир ерларига боришликларининг ўзи бир антика гап, бу Сибир ўзбекка қанчалар жабру жафо келтиргани, қанча умрлар қарагайзорларда ҳазон бўлгани бизларга маълумку!

Ўзбекистон телевидениесининг «Хидоят сари» кўрсатуви гоётда зарур ва тарбиявий аҳамияти олам-жаҳон. Республикаимиз, айниқса гўзал пойтахтимиз кўпмиллатли, биродар, оға-инилар шаҳри бўлгани сабабли «Хидоят сари», шунга ўхшаш ватанпарварлик руҳи билан сўғорилган кўрсатувларни бошқа фуқароларимиз учун ҳам бериш керак, улар Давлат тилига эътибор бериб, ўргансалар, меҳру оқибат кўчади. Ғудайиш керак эмас. Дўстнинг тилини билмоқ — дилини билмоқ демакдир. Тўғри, жамиятимизда манманликка берилган, оёғи ердан узилган, ўзини йўқотган баъзи кимсалар йўқ эмас, уларда миллат дарди эмас, пул дарди, енгил шухрат топпоқ дарди мияларини чуллаган.

Муқаддас Мохи Рамазон шарофати, кириб келаётган Янги йил бўсағасида ноҳуш иллатлар тонги тумандек тарқалиб битсин, озод ва бахтли замонга этиб келдик, феъли кенглик, фидойилик, юрт ишига садоқатли бўлмоқ пойдевор бўлғай.

Пойтахтимиз Тошкент, умуман Ўзбекистонимиз жамоли кундан кунга ўзгариб, яшнамукда. Бу улғу ишларнинг раҳнамоси Юртбошимиз, азамат халкимиз хонадонидан бахт аримасин, хали кўп-кўп Мохи Рамазон кутлуг янги йилларни кўраверайлик. Тоғларнинг буюклиги узокдан яхши кўринади. Буюк Ўзбекистонга ҳавас билан қарамоқдалар, бу шараф бизларни яна катта ишларга илҳомлантиради.

Келаси йилни Президентимиз Аёллар йили деб атадилар. У бахтли оналар йилидир, феъли ўзига хос кенг ва узукко халкимиз яна ҳам кўпаяди, авлодимиз минг йилларга этиб боради. Инсон қарийди, жисмимиз чарчайди, аммо юрак қаримайди. Биз кексаларнинг қаримас қалбимиз фидойи ёш авлод сафиди ва шу соғлом авлод билан камарбас-тадиримиз.

Шабриқлар

БАРЧАМИЗГА ОМАД
КЕПТИРСИН**Қоиучи ОБАТА,**
Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва
Муҳтор элчиси:

— Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига олти йил бўлди. Шу ўтган вақт мобайнида иқтисодий ва маданий соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Ўлгангиздаги деярли барча йирик ва муҳим иқтисодий иншоотларда, хусусан олтин, нефтни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ҳамда телекоммуникация соҳаларида япон сармояларининг ҳам ҳиссаси катта. 1999 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари бўлиб ўтди. Шунингдек, Тошкентда Япония маданият маркази очилди, Ўзбекистоннинг Ангрэн ва Япониянинг Корея шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатish каби хайрли тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Фурсатдан фойдаланиб барча ўзбек халқини кириб келаётган Янги йил байрами билан қизгин кутлайман.

ШИОРИМИЗ — ТИНЧЛИК
ВА ҲАМЖИХАТЛИК**Бобур Жоз-ЖАНИ,****Бирлашган Араб Амириклари «Вест Энд
Женерал Трайдинг» компаниясининг
Ўзбекистондаги вакили:**

— Ўзбекистонда кечаётган туб ислохотлар жараёнига биз ҳам оғизна бўлсада ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз. Ҳозирда бизнинг компаниямиз мамлакатимизда чой қадоклаб, тайёр маҳсулотларни ўзбек халқига етказиб беришда. Албатта бу борада Ўзбекистонда барча шарт-шароитлар яратилган ва у қонун доирасида муҳофиза қилинган. Кириб келаётган Янги 1999 йил барчамиз учун омадли келсин ва бу йилда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, тинчлик, ўзаро алоқалар янада ривожлانسин. Мен фурсатдан фойдаланиб барча ўзбекистонликларни муҳаббат байрам билан самимий кутлайман.

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ

Жалол Ас-СОДИҚ,**Қувайт халқаро хайрия жамғармасининг
Ўзбекистондаги вакили:**

— Инсон ҳақ-ҳуқуқлари қадрланаётган бу элда унинг ижтимоий муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Хусусан, бу борада бир қанча давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатиб келаётганлиги сир эмас. Ўйлайманки, ўзбекистонликлар учун яқунланаётган 1998 йил ўзига хос яхши хотиралар қолдиради. Чунки, ундаги туб ўзгаришлар, янгиланган кишилар ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу йилда барча ишлар олиб боришмоқда. Мен фурсатдан фойдаланиб ўз халқим номидан кириб келаётган Янги 1999 йил билан барча ўзбекистонликларни таъриқлаб, уларнинг хонадонларига тинчлик-хотир-жамлик тилаб қоламан.

Ойил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.

— Рустам-
бек ака, бу
касбга қандай
қизиқиб қол-
гансиз?

— Мен Қозоғистоннинг Манкент деб номланган ўзбек қишлоғида катта бўлдим. Оиламиз катта эди. Бизнинг ўз боғимиз ва томорқамиз бўлиб, болалигимиздан у ерда меҳнат қилишга ўргандик. Бешинчи синфни битирган далага чиқиб ишладим, 13 ёшимда эса трактор ҳайдашни ўргандим. Бу касбни жуда ёқтириб қолдим. Техникумга кириш имтиҳонини топширишга ҳам ўз тракторимда келганман, муваффақиятнинг қарангки, мени дарҳол 3-курсга қабул қилишган...

1968 йилда эса «Тошавтомаш»га ишга келдим. Бу даргоҳ мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди. Инсон ўз мақсадига етиши учун керак бўлса ҳар қандай қийинчиликларни енгилса тайёр бўлиши кераклигини худди шу ерда тушуниб етдим.

— Эзгуликнинг кечи йўқ, дейишди. Сиз ҳам 47 ёшингизда олий ўқув юртига кирган экансиз...

— Заводда ишни усталиқдан бошладим. Бу ерда катта уста, устозим Виктор Сотниковдан жуда кўп нарсаларни кўнл билан ўрган-

Нишондорларимиз

МУКОФОТ
МАСЪУЛИЯТИ

Ҳар бир йилнинг ўз қаҳрамонлари, меҳнат илоҳлари бўлиб, уларнинг ҳаётида унутилмас хотиралар муҳрланади. 1998 йилда ҳам халол меҳнатлари билан ибрат кўрсатган кўлаб илғорлар Республика-миз Президентининг Фармонида кўра юксак мукофотларга сазовор бўлилар. Ана шундай инсонлар орасида «Тошкент трактор заводи» давлат хиссадорлик жамиятининг 14-термогальваника цехи бошлиғи Рустамбек Муродовга ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими» деган шарафли унвон насиб этди.



дим. 1972 йилда янги — термогальваника цехи очилиб, у ерда ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўрин-босари бўлиб меҳнат қилдим. Беш йил шу цехни бошқардим. Кейин эса мени корхонамизнинг Асака шахридаги тиркагич ишлаб чиқарадиган филиалига юборишди. Лекин

цехдаги ҳамкасбларим корхона раҳбарларидан мени ўз вазифамга қайтаришларини сўраб мурожаат қилишибди. Улар рад жавобини олишди. Сабаби мен олий маълумотли эмас эдим. Бу менга қаттиқ таъсир қилди. Шу сабабли 47 ёшимда политехника институтини-

нг кечки бўлимига ҳужжатларимни топширдим. Ёшлар билан бир партада ўтириб ўқиш ҳам қийин, лекин ўзига яраша завқли эди. Дипломни «аъло»га ҳимоя қилдим. Заводдаги тажрибаларим қўл келди-да. 1993 йилдан эса яна қадрдон цехим, меҳнатсевар ва аҳил дўстларим орасига қайтдим.

— Ўзингиз меҳнат қилаётган цех ҳақида гапириб берсангиз.

— Цехимиз ишчиларининг жудаям аҳил ва ҳамжиҳатлиги йўлимизда учраган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтмоқда. Бир-биримиздан маслаҳатларимизни аямаймиз, керак бўлса бир-биримизнинг ўрнимизни боса оламиз.

— Оила йилидан мамнунмисиз?

— Унутилмас йил бўлди мен учун. Чунки юксак мукофот соҳиби бўлдим. Албатта, бу оиламиз учун ҳам, жамоамиз учун ҳам қувончли ҳодисадир. Янги йилда эса янаям яхши ишларга ўз ҳиссамни қўшаман, чунки мукофот масъулияти мени шунга даъват этади. Энг муҳими, атрофимда ҳамжиҳат, мени қўллаб-қувватлайдиган жамоадорларим бор...

Сухбатдош
Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТДА: Рустамбек Муродов.

Томошалар

«БОШИ
ҚОТГАН
ОШИҚЛАР»

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида сахнага олиб чиқилган драматург Хайитмат Расул қаламига мансуб «Боши қотган ошиқлар» икки пардали комедияси шинавандалар учун байрамона хушнудлик ҳаёти эди. Режиссёр А. Хачатуров муҳаббат мавзусининг мангулигини қулги орқали бўлсада ёрқин сахналарда ифода эта олган.

Спектаклдаги асосий ролларни Яйра Абдуллаева, Ҳожиакбар Нурматов, Эркин Малик-боева, Раъно Ярашева, Шавкат Толипов, Лола Элтоевалар ижро этганлар.

Салоҳиддин
СИРОЖИДИНОВ.

1998 — Ойла йилида оилаларнинг моддий, ижтимоий-сиёсий ҳимоясини, оилалардаги фарзандлар келажагини қўлаб бир қатор Фармонлар эълон қилиниб, қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «1999 — 2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори ҳам ана шундай қарорлардан биридир.

1998 йилда юқоридаги қарорга ҳамоҳанг тарзда шаҳримизда бир қатор, хусусан Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Дав-

мақсадида йигит-қизларга компьютер сабоқларини бериб борадилар. Бу сабоқлари энг яхши компьютерлардан бири

Миллий дастур

XXI АСР
МУТАХАССИСЛАРИ

лат университети қошида Саъди Сироҳиддинов номи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида ҳамда Жаҳон тиллари университетининг хорижий тиллар каби академик лицейлари, шунингдек Тошкент авиасозлиқ, Тошкент радио-техника, Тошкент педагогика касб-хунар коллежлари фаолият кўрсата бошлади. Юқорида номлари зикр этилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида интилувчан, билимга чанқоқ ўғил-қизлар ўзларининг қизиқишларига қараб турли мутахассислар бўйича сабоқ олмақдалар.

Жумладан, биргина Тошкент авиасозлик коллежидан учинч аппаратларини йиғувчи уста, металл ишлов бериш дастгоҳлари, хусусан, токар-универсал, фрезерчи, пармаловчи, дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори, саноатда молия ишлари, яъни ҳисобчи, молия агенти, компьютер ва офис жиҳозлари устаси сингари кичик мутахассислар тайёрланади.

Бу эса Марказий Осиёда ягона бўлган «Чалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат хиссадорлик жамиятини ўз ишини пухта билган малакали ёш кадрлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Дунёда фан ва техника, илмнинг йилдан-йилга тараққий этиб, ривожланиб бораётганлиги бу таълим муассасаси ходимлари диққатидан четда қолаётган йўқ. Улар фан-техника тараққийи билан ҳамқадам бўлиш

бўлган «Пентьюм-200» компьютери орқали олиб борилади.

Коллежга 200 нафар талаба қабул қилиниб, уларга физика, кимё, аэродинамика сингари янги фанлардан сабоқ берилади. Анча мураккаблашган дастур асосида илм оладиган талабалар ўз соҳасининг етуқ мутахассислари бўлиб етишадилар.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим оладиган ёшлар келажақ асри — XXI аср мутахассислари бўладилар. «Куч билимда, билим тафаккурдадир», деган эдилар Президентимиз Исрол Каримов. Шу сабабли ҳам улар билимларни пухта эгалламоқликларни даркор.

Уйлаймизки, ўз фаолиятини эндиғина бошлаган бу билим даргоҳи ва талабалари тўғрисида муна сифатида барчага ўрнат бўлади.

Наргиза
ПИРНАЗАРОВА.

Борлигимизни биркам дунё деб беҳиз айтишмайди. Олти фарзанд — беш ўғилу бир қизнинг онаси Умида Назарованинг ҳам хайтада турмуш ўртоғидан омади келмади.

Номард эр 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган, бири-биридан ширин фарзандларини ташлаб, уйини сотиб дом-дараксиз йўқолганидан сўнг оилада моддий ва турар жой жи-

ХОНАДОНЛИ БЎЛИШДИ

хатдан жиддий қийинчиликлар туғила бошлади. Ёлғиз она олти фарзанди билан кейинги уч йил ичида хонадонга хонадон ижарачи сифатида сарсону саргардон бўлар, болалар ҳам жуда қийналиб кетишганди.

Утган йилнинг январидан бошлаб ушбу оилани Сергели тумани Қизил Ярим Ой жамия-

ти ўз қарамоғига олди. Жамият ёрдамида фарзандларнинг йўл қолган ҳужжатлари тикланди, тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатила бошланди. Ҳозир Назаровлар оиласига чет эллардан келган инсонпарварлик ёрдами кўрсатишмоқда.

Сергели тумани Қизил Ярим Ой жамиятининг саъй-ҳаракатла-

ри ва туман ҳокимлигининг мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиши натижасида Умида Назаровлар оиласига яқинда барча шароитларга эга бир хонали квартира бепул ажратилди. Ойла ҳамма коммунал тўловлардан озод қилинди. Бу шароитда Ойла йилида кенг қўлама амалга оширилган муруват ва саховат тадбирларининг фақат биттасигина холос.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Уй туйлар

ЯШАШ
БАХТИ

«Янги йилни шинам ва кўркам хонадонларда қутиш қандай соз», — дейишмоқда Ойла йилида эзгу орзулари ушалиб, янги турар жой биноларига қўчиб ўтган уй эгалари.

Ҳар бир йилнинг ўзига хос томонлари бор. 1998 йил бошида «Қачон уйли бўларканмиз?» деб оруз қилган оилалар Янги йил эшик қоқайтган ушбу кунда қўшалоқ қувончни нишонламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги орзқиб кутган хонадонларда дастурхон ёзиди уй туйлари ўтказишмоқда. Худди шундай бахтли хонадон соҳибларидан 154 нафари Миробод туманида бунёдкорлар томонидан тез ҳамда соз қурилган, шахримизга кўрк бахш этган турар жой биноларига қўчиб ўтишди. Хонадон эгаларини хушнуд этган 39-, 26-, 30-уялар бугун Госпитал даҳаси чиройини янада кўркамлаштирди. Уйларни бунёд этишда «Тошкентуьжойинвестқурилиш» корпорациясининг 1-уй-созлик комбинатига қарашли 26-ку-

рилиш бошқармаси, «Уйжойқурилиш» хиссадорлик жамиятининг 1-капитал қурилиш бошқармаси ҳамда «Сифат лойиҳақурилиш» хиссадорлик жамиятининг «Баландқурилиш» бошқармаси қўли гул қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Бош пудратчиларга камарбаста бўлган қурилиш ташкилотларининг моҳир усталари, сантехник ҳамда кранчилар, электрчиларнинг шидқидилдан қилган меҳнатлари йил охирида ўз самарасини кўрсатди.

Қунаев кўчасида фойдаланишга топширилган 9 қаватли замонавий бино 90 хонадонга насиб этди. 2, 3, 4 хонали уялар ҳар бир хонадон эгасини шинамлиги, айвонлари кенглиги билан мамнун этди.

— Қурувчиларимиз Ойла йилида катта ғайрат кўрсатганларидан ўзла-

ри ҳам хурсанд, — дейди ишбоши Фарҳод Усмонов. — Бунинг устига уй эгаларининг миннатдорчиликлари бизга кўтаринкилик бахш этди. Сўзимизнинг устидан чиқиб, Янги йилни ёруғ юз билан қутиб олганимиздан барчамиз мамнунимиз.

Айниқса, янги уйга қўчиб кирган хонадон соҳибларининг дил изҳорларини тинглаш жуда завқли. — Ўз уйинг, чирғоғи доимо ёнқ хонадонинг бўлганига нима етсин, — дейди 63-хонадон соҳиби Усмон Ҳамдамов. — Қутилган ораунинг амалга ошиши эса, оиламга катта қувонч бахш этди. Бунинг учун бунёдкорларимизга мингдан-минг раҳмат.


— Хонадонимизда 7 жонмиз. Бизга янги уйдан 2 та уч хонали квартира насиб этди, — дейди 33-хонада 34-хонадон соҳиби Умархон Ғаниев. — Бу қувончдан нафақат оиламиз, балки дўст-биродарларимиз ҳам қувонишди. Шу кунга етказганига ҳисса қўшган уста қурувчилар ҳам асло кам бўлмасин.

Уй эгаларининг миннатдор чекралари ва дил сўзлари Осим Маматниёзов, Турғун Комилбеков, Дониёр Ҳасанов, Ася Стрелкова сингари шижоатли қурувчиларга янада ғайрат бағишлаш, шубҳасиз, Зеро, дунёда одамларнинг бир-бирларидан мамнун яшашларидан ортиқ бахт борми?

Шарофат БАХРОМОВА.

СУРАТЛАРДА: фойдаланишга топширилиб, дилларни Янги йил шодлигидан баҳраманд этган уялар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Одамлар
тақдирдаЁДА
ҚОЛАДИГАН
ОНЛАР

Туғаб бораётган 1998 йил ҳамшаҳарларимизда турлича таассуротлар қолдирган бўлиши табиий. Кимдир бу давр ичида ўз ҳаётида қандайдир муваффақиятга эришган бўлса, бошқа кимдир янги орзулар огушига чулганган бўлса ажабмас. Бу борада ҳамшаҳарларимиз фикрини билиш мақсадида ўтказган сўровимиз қуйидагича бўлди:

• **Санобар ТҲУТАЕВА, пенсионер, 57 ёш:**
— Охирлаб бораётган 1998 йил мен учун чин маънода Оила йили бўлди, дейиш мумкин. Ҳолбуки бу йилда кенжа қизимни турмушга

Миробод туманининг «Сариқўл» маҳалласида жойлашган Рашидовлар оиласи нафақат туманда, балки пойтахтимизда ҳам «Энг бахтли оила» деб топилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиби бўлди.

Оила бошлиғи Турсунбой ака Рашидов қарийб 40 йилдирки, умрини илм ривожига, юртимиз равнақи йўлидаги меҳнатга сарфлаган инсонлардан. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг механика институти бўлим мудири, академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўйган фан арбоби. Турсунбой Рашидов ҳаётини, илмий изланишларини халқимиз фаровонлиги йўлига бағишлади. Мамлакатимизда бунёд этилган ва қад ростлаётган барча иншоотларнинг зилзилабардошлигини оширишга қаратилган жуда кўплаб илмий асарлар яратди ва улар амалда муваффақият билан қўлланилмоқда.

«Севги билан қурилган қаср мустаҳкам бўлади» деган иборанинг ҳақиқатини ушбу хонадон тимсолида яққол кўриш мумкин. Мана, 42 йилдирки, Турсунбой ака ва турмуш ўртоқлари Ҳақима опалар бир-бирини эъзозда тутдилар, қувонч ширин ташвишларни биргаликда тотдилар.

— Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тушуниб яшаётганини ўзи катта бахтдан ниҳона, — дейди Ҳақима опа. — Мен шундан бахтлиманки, шунча йиллик турмуш давомида бир-биримизни сўядик, фарзандлар тарбиясида эса асло бефарқ бўлмадик.

Ота — оиланинг посбони ва қарвонбоши. Демак, унинг босган ҳар бир қадами фарзандлар эътиборида. Ибратли отага ўхшаши истаманган ўғил, оқила онадан андоза олманган қиз кам бўлмадик.

дан-кам учрайди. Турсунбой ака ҳам ўзи ибрат йўлини кўрсатди. Ҳақима опа эса 35 йилдан ортиқ олий таълим даргоҳида талабаларга сабоқ берди, лекин улар ҳеч қачон фарзандлари тарбиясидан йироқлашмади.

1998 — Оила йили
БУ ЕРДА МЕҲР
ЖАМУЛЖАМ

— Мактаниш эмас-ку, билимга чанқоқлик, илм йўлидаги фидойиликни озгина бўлсада фарзандларимга «оқтира» олганимдан мамнунман, — дейди Турсунбой ака. — Икки ўғлим — Исқандар ва Анварлар изимдан кетишди. Кўп ўқишди, ўрганишди, бугун улар ҳам физика-математика фанлари номзоди. Ўғлим Бахтиёр тадбиркорлик йўлини тутди. Қизларим Шохид ва Гўзал, келинларим ҳам фойдали касб эгалари бўлиш билан биргаликда ўз оилаларининг ораста бекалари. 14 набарам эса дилларимизнинг шодлиғи, юрагимизнинг қувватлари. Мен уларга ҳам фақат яхши ўқишларини маслаҳат бераман.

— Рашидовлар оиласи учун маҳалла эътибори, унинг одамлари меҳри муқаддас саналади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қудрат Рустамов. — Нафақат уларга ҳавас қилишди, балки ёш оилалар уларнинг изларидан боришга интилишмоқда. Турсунбой ака ёшлардан ўз маслаҳат ва ёрдамларини асло аямайдилар.

«Йилдан-йилга йил афзал» деганларидек, Турсунбой ака ҳам Оила йилининг ҳар йилгидан ўзгача келганини таъкидладилар.

— Оилаларнинг мустаҳкамлиғи мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, гуллаб-яшнаши демакдир, — деди бахтли хонадон соҳиби. — Ўз оиласини севган, фарзандларини меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаган инсон Ватан равнақида ўз хиссасини қўшган бўлади. Чунки оила бепоён Ватанимизнинг бошланғичи, унинг бир бўлагидир.

Маҳаллага фахр бўлиб, айни кунларда бахтга тўлган Рашидовлар хонадонини ҳам Оила йили қувончлари асло тарқ этмасин, бир-бирига меҳр улашувчи диллар меҳрибонлигича қолсин.

Шоира ИЛҲОМОВА.

СУРАТДА: шахримизнинг «Энг бахтли оиласи».

Рустам Шарипов олган сурат.

Эътироф

ДАВЛАТ ГРАНТИ
АСОСИДА

Сўнгги пайтларда жамиятимиз ҳаётида рўй берган муҳим ўзгаришлардан бири олий ўқув юртига қабул қилишда тест синовларининг давлат гранти ҳамда тўлов-контракти усуллари йўлга қўйилгани бўлди. Бу эса ёшлар билимининг, қобилиятининг адолат мезонлари асосида баҳо беришга имкон яратди. Тугалланаётган йилимизда бу ишга иккинчи бор амал қилинди ва бунда қанчадан-қанча илмга чанқок ёшларимиз олий ўқув юрти талабаси бўлишди. Қуйида улардан айримларининг дил сўзларини келтирамиз.

• **Ҳилола ТОШМУҲАМЕДОВА, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг 1-босқич талабаси:**

— Оиламизда дадам ҳам, ойим ҳам иқтисодчи. Лекин мен айнан шунинг учун бу соҳани танламаганман. Гап шундаки, ҳозирда давр малакали иқтисодчилар бўлишини тақозо этмоқда. Қолаверса иқтисод қизикarli соҳа. Шунинг учун кириш имтиҳонларига пухта тайёрландим. Мактабда ўқитган муаллимларимдан қўшимча дарслар олдим. Чунки тест синовларида адолат тамойиллари амал қилишига, ҳақиқий билимли ёшлар талаба бўлишларига қатъий ишонардим. Шу тариқа синов жараёнида тўпланган балларим кўпلىгидан давлат гранти асосида тахсил оладиганлар қаторидан ўрин олдим. Бу ҳаётимдаги катта ютуқлардан бири бўлди.

• **Тоҳир МИРСАЛИМОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг 1-босқич талабаси:**

— Техникага болалигимдан қизиқаман. Мактабда ўқиб юрган кезларим техникага оид турли тўғаракларга қатнашиб турардим. Лекин қизиқишимнинг ўзи қамлик қиларкан. Шу сабаб ўтган йили мазкур олий ўқув даргоҳи талабаси бўлолмадим, тест синовларида тўпланган балларим етмади. Лекин тушунликка тушмадим. Кейинги йил имтиҳонларга пухта тайёрландим. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, давлат гранти бўйича тахсил оладиган бўлдим. Бу ҳол ҳукуматимизнинг илмга чанқок ёшларнинг давлат ҳисобидан ўқитиш каби ғамхўрлигининг яққол намунаси. Бундай эзгу иш юртимизда иқтисодий ёшларнинг кўпайишида, келажақда билимли, маҳоратли мутахассислар етиштиб чиқишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Фарҳод МЕЛИБОВЕВ.

Маҳалла

ОҚИБАТЛИҚ
МАСКАНИ

Йил якунида барча маҳаллаларда ўтказилган оқсоқол ва маслаҳатчиларнинг ҳисобот-сўлов йиғинликларида маҳаллани бошқариш, уни маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтиришга ҳар томонлама лойиқ инсонлар сайланганлиги эътиборга лойиқдир.

Мен 58 йилдан бери «Оқибат» маҳалласида яшайман — бутун ҳаётим маҳалладошларим орасида ўтди. Кўп йиллар оқсоқол маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатдим, маҳалла ичида юриб анчагина нарсаларни ўргандим. Кейинги икки йил котиблик вазифасини бажардим.

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сўлов йиғилишида менга катта ишонч билдириб, кўпчилик овоз билан оқсоқолликка сайлашди.

Келгусидаги мақсадим — маслаҳатчилар ва фаоллар билан қўлни қўлга берган ҳолда маҳалламизни янада обод, кўкаламзор ва файзли қилишдир.

Марат КАМОЛОВ,
Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалласи оқсоқоли.

Пазор
САНЪАТ
ФИДОЙИСИ

Дунёда ўз ишини пухта биладиган ҳар қандай касб эгалари одатда камтар, камсуқум бўлишади. Улар хизмат фаолиятини қузатиб хайратланмай иложини йўқ. Хатто, ҳаста ётиб ҳам бир мuddат ишни ўйламай туролмайдилар...

бон мураббийсидир. Агар ўзбек эстрадасида кейинги йилларда яхши кўшиқлар кўпайган бўлса, бунда шубҳасиз Алишернинг алоҳида хиссаси бор.

Мен унга ҳамиша мана шундай тиниб-тинчимаслик, ижодий парвозлар йўлдош бўлишни кириб келаётган Янги йил арафасида чин дилдан тилаб қоламан. Ва айтманки: «Алишержон, сен билан ижодий ҳамкорлик мен учун ҳақиқатан мароқли!».

Мухаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.
СУРАТДА: Алишер Эшонхўжаев.



Мен Алишерни ана шу сифатлари учун ҳам алоҳида ҳурмат қиламан. Баъзан ҳоли-жонимга қўймай, мени ҳам ўзи қатори дам олиш кунлари ҳам ишлатади.

Бизда ким кўп — кўшиқчи кўп. Айниқса, ёш эстрада кўшиқчилари. Концертлар, байрамлар, махсус тадбирларга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича Тошкент маданият марказининг директори Алишер Эшонхўжаев ана шундай тадбирларнинг жонқуяри, продюсери, режиссёр-постановкачиси, ёш эстрада кўшиқчиларининг қаттиққўл ва меҳри-

си орқали Нарзулла Мусимов, Саодат Тўйчиева сингари ҳамкасбларим билан биргаликда уларнинг ўқитиш услублари ва иш тажрибалари билан тани-

Биз ва жаҳон
«НЬЮ-ПАЛЬТЦ»
ТААССУРОТЛАРИ

шиб қайтдик, — деди Фазлидин Хайдаров. — Европанинг бешта йирик мамлакатига бош ошпазлар тайёрлаб бериш институтда бизга ёққан томони шу бўлдики, у ерда ҳар бир миллатнинг ўз тамадихонаси ташкил этилган экан.

Нью-Йоркдаги коллежлар биздаги олий ўқув юртилар даражасида бўлганлиги сабабли битирувчиларга олий таълим берилади. Бизда эса коллеж-

1998 — Оила йили ўз пойнига етмоқда. XX аср сўнггида, яқунланаётган йилда, яқунланаётган кай бири сўзсиз маънавий бойликка эга бўлдилар. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ва амалий психологлар тайёрлаш факультети декани Фазлидин Хайдаровни ҳам 1998 йилда хорижда ўз малакаси — маънавий бойлигини ошириб қайтган том маънадаги бахтли инсон дейиш мумкин.

— Биз Нью-Йорк шаҳридаги бир неча коллежларда, хусусан Нью-Йорк университети тасарруфида «Нью-пальтс» коллежиди ҳамда дунёда ягона бўлган Ошпазлик институтида «Устоз» жамғарма-

бердим. Иккинчидан набираларим яна биттага кўпайиб ўн битта бўлди. Умидларим кўп. Ахир инсон умид билан яшайди.

• **Ортик ТҲУТАЕВ, муҳандис, 41 ёш:**

— Бу йилда мен учун муҳим воқеа — қизимнинг Тошкент тиббиёт-педиатрия институтига киргани бўлди. Қизимнинг ҳар кунни ўқитувчисида кўшимча дарс олиш, китобдан соатлаб бош кўтармаслик, тест синовлари жараёнидаги ҳаяжонланишлар — бари-бариси илм олишнинг нақадар оғирлигини барчамизга яна бир бор аңлатди. Бунинг роҳатини энди кўрсак керак.

• **Сарвар Шарофидинов, талаба, 21 ёш.**

— Ростини айтсам, бу йил битта омадсизлик ва иккита муваффақият билан юзлашдим. Бу йил хасталикка чалинганми сабаб ўқув юртида ўзлаштиришдан орқада қолиб кетдим ва бир босқичдан иккинчисига ўтолмай қолдим. Муваффақиятларга келсак, биринчиси уйландим, оилали бўлдим. Бу ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги муҳим воқеа. Иккинчи омад эса мен учун севимли бўлган «Пахтакор» футбол жамоасининг мамлакат чемпионлигига эришгани бўлди. Бу менинг ҳам қувончим, албатта.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.



...Ха, янги йилни ҳар бир хонадонда ўзгача бир шукҳу билан қутиб олишади. Байрамга одатда бир неча кун олдин таралдуд кўриб, уни қандай бўлмасин яхши кайфият ила қутиб олишга ҳаракат қиламиз. Бу қувончли кунларимизда айниқса, республика «Ойнаи жаҳон»ида кўрсатилаётган қизиқарли дастурлар ҳамшаҳарларимизга янада хуш-кайфият бағишлайди. Биз айни шу кунлари Ўзбекистон телевидениеси орқали қандай кўрсатувлар режалаштирилганлиги ҳақида Ўзбекистон телевидениеси бош директорининг биринчи ўринбасари Тўра Мирзо билан суҳбатлашдик.

— Ойла йили ҳам ўз ихсосига этиб бормоқда. Бироқ кириб келатган 1999 йилнинг Ўртабосимиз ташаббуслари билан Аёллар йили деб қабул қилинган Ойла йилига ҳамроҳ бўлди. Шу сабабдан ҳам биз Янги йил дастурларини тайёрлашда ана шу ҳамроҳликка кўпроқ эътибор қаратдик. Шунингдек, байрам дастурларимиздан йил бўйи кўрсатилган энг қизиқарли кўрсатувлар ҳам ўрин олган.

31 декабрь — 1 январь кунлари дастурларимиздан узлуксиз кўрсатувлар жой олади. Бу демак бир кунда ҳа-

мюртларимиз йигирма соатлик кўрсатувларимиздан баҳраманд бўладилар. Жумладан, ўша кунлари «Аёл васфи»-дил изҳори» кўрсатуви намойиш этилади ва унда республикамизнинг энг илгор аёллари билан бугунги кун аёлларининг оиладаги, жамиятдаги мавқеи ҳуусида сўз боради. Даврада дилрабо куй-кў-

«Ойнаи жаҳон»да СЎЗ КУТГАН ДАСТУР

шиқлардан ташкил топган концерт номерлари ҳам ижро этилади. «Омад юлдузи» кўрсатуви Ойла йилига бағишланган бўлиб, унда телеуйинларда иштирок этган хонадаларнинг турмуш ўртолари билан ҳам танишасиз. Яъни унда республикада хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжоновлар оила-си ва Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматовлар телеуйин меҳмони бўлади.

«Президент арчаси» кўрсатуви «Туркистон» саройидан тайёрланади. «Президент арчаси» атрофида кўнук шевр ва мусобақалар, бадий жамоаларнинг чиқиши, таниқли кишиларнинг дил истаклари айтылади. Байрам қатнашчиларига савгалир улашिलाди.

Байрам кунларида халқимизнинг намунали дам олиши учун дастуримизнинг асосий қисмини латофатли куй-қўшиқлар, ин-термедия ва қизиқарли комедия кўрсатувларига ажратдик. «Кул-

гига нима етсин» кўрсатуви Янги йил ҳазил-мўтойибалари-га бағишланади. Унда телеми-ниатор усталари, шунингдек, қизиқчилар ва аскиячиларни-нг Марғилон шаҳрида Юсуф-жон қизик Шакржонов хоти-расига бағишлаб ўтказилган тадбирининг иштирокчилари катнашади. Шунингдек, ўша кунлари «Ешлар базми», «Хам-ма кўриши шарт... эмас», «Қиёфа», «Наштар» ҳажвий ки-ножурнали», «Мунаввар дунё истаб», «Камалакнинг етти ранги», «Даврани кенгрок оли-нг» ва шу каби бир қатор кун-гилочар кўрсатувлар намойиш этилади. Кинокўрсатувлар тахририяти эса Муборак Ра-мазон тухфаси «Муҳаммадун Расулulloх»-кўп қисмли теле-визион бадий фильми, «Яратганга шукр», «Тотли ма-лагим», «Ботмаган қўйи» ба-дий фильмларини тақдим этади. Ўша кунлари спорт иш-кибозларини ҳам энг яхши кўрсатувлар кутмоқда. Жумла-дан 1 январь дастуримиздан ўрин олган «Футбол шоу» кўр-сатуви «Алломиш» саройида тасвирга олинган бўлиб, унда ўзбек футболнинг ривожига ўз даврида муносиб улуш қўш-ган фахрийлар ҳамда таниқли хонанда ва созандалар, ҳаж-вий сўз усталаридан ташкил топган, футбол командалари-нинг ўзаро учрашувлари ва санъаткорларнинг чиқишлари шоу томошасининг қизиқарли ўтишини таъминлайди. «Ўзе-бекистон спортининг нуфузи», «Юрт ўғлонлари» каби теле-кўрсатувлар ҳам шулар жум-ласидандир. Уйлаимизки, Ўз-бекистон телевидениеси орқа-ли байрам кунларида намойиш этилаётган кўрсатувлар дасту-ри ҳамюртларимизга манзур бўлади.

Одил ҲАСАНОВ.



Эсимда, гулларнинг уфори,
Сен билан айтилган қўшиқлар.
Козим Улмасов олган сурат.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри ҳудудида савдо тармоқлари иншоотлари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти Сизларга шуни маълум қиладики, 1999 йилда савдо ҳуқуқи учун рухсатнома ҳамда алкоғолли ичимликлар ва пиво савдоси ҳуқуқи учун рухсатнома бериш 1998 йил 28 декабрдан бошланди.

Алкоғолли ичимликлар ва пиво савдоси ҳуқуқи учун, шунингдек майда чакана савдо иншоотларида (палаткалар, киоскалар, павильонларда) ва лотоклардан савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсатномалар олиш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва рухсатномалар бериш Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уйда жойлашган Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти томонидан амалга оширилади (Тошкент шаҳар ҳокимлигининг эски биноси, ён томондаги эшик, 1-қаватдаги ҳужжатлар қабул қилиш ва бериш дарчаси). Катта биноларда ва иморатларда ташкил этилган турғун савдо тармоқлари орқали савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга савдо учун (алкоғолли ичимликлар ва пиводан ташқари) рухсатномага ҳужжатлар қабул қилиш ва топшириш Савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаментининг туман бошқармаларида савдо иншооти жойлашганига қараб қабул қилинади ва берилади.

Савдо ҳуқуқи учун рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

- ариза;
- савдо саҳни бирлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- назорат-касса машинаси солиқ инспекцияси ҳисобига қўйилган ҳақидаги қарорнинг нусхаси;
- марказий банкнинг инкассация бошқармаси билан инкассация ҳақидаги шартноманинг нусхаси;
- маҳаллий йиғим тўлангани ҳақида далолат берувчи банк ҳужжати нусхаси;
- корхона Давлат реестрига қиртилган ҳақидаги статистика органлари томонидан берилган рухсатнома (ОКПО кодлари) нусхаси.

Алкоғолли ичимликлар ва пиво савдоси ҳуқуқи учун рухсатнома олиш учун аввал Департамент туман бошқармалари томонидан озик-овқат маҳсулотлари (ёки умумий овқатла-ниш маҳсулотлари, ёки аралаш то-варлар) савдо ҳуқуқи учун рухсатно-ма олиш зарур, сўнгра Тошкент ша-ҳар ҳокимиятининг Савдо хизмат кўр-сатиш соҳаси ва халқ истеъмоли мол-лари ишлаб чиқариш Департаменти-га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

- ариза;
- озик-овқат товарлари (ёки умумий овқатла-ниш маҳсулотлари, ёки аралаш товарлар) савдо ҳуқуқи учун рухсатноманинг нусхаси;
- алкоғолли ичимликлар ва пиво савдоси ҳуқуқи учун лицензия йиғи-ми тўлангани ҳақида банк ҳужжати-нинг нусхаси.

Рухсатномалар муддати қуйидаги ҳужжатлар асосида узайтирилади:

- ариза;
- йиғим тўлангани ҳақида банк ҳуж-жати нусхаси.
- Шуни назарда тутиш керакки, алкоғолли маҳсулот ва пиво сотиш қуйи-даги ҳолларда таъқиқланади:
- лотоклардан (изометрик идиш-лардан қўйиб сотишнинг мумкин бўл-ган пиводан ташқари);
- автомашиналардан;
- ўқув юртлари, диний муассаса-лар ёнида, шунингдек бевосита да-волаш-профилактика ва спорт-соғ-ломлаштириш муассасалари ҳудуди-да жойлашган чакана савдо иншоот-ларида (умумий овқатла-ниш иншоот-лари бундан мустасно);
- ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида ўқиш ва ишлаб чиқариш жараёни давом этаётган пайтда;
- дискотекаларда қуввати 30 да-ража ва ундан ортиқ бўлган спиртли ичимликлар;
- ҳусусий уйларда ташкил этилган умумий овқатла-ниш корхоналарида — соат 22 дан бошлаб;
- майда чакана савдо ташкилот-ларида (савдо зали бўлмаган дўкон-чалар, киоскалар, палаткаларда), дех-қон бозорлари ва улғуржи бозорлар-да (алкоғолли маҳсулот учун).

Рухсатномалар муддатини узайтириш учун ҳужжатларни кўри-б чиқиш муддати — 1 кун. Ари-зани қабул қилиб олувчи мутахас-сис ҳужжатларни қабул қилиб ол-ганида ариза нусхасига ҳужжат-лар қабул қилинган вақтини, сана-ни қайд қилиши, шунингдек ўз фа-мили-си ва лавозимини ёзиб қўйи-ши шарт.

Савдо ҳуқуқи учун рухсатнома бериш ёки муддатини узайтириш рад этилган тақдирда, Сизга асосли далиллар келтирилиши шарт.

Савдо ҳуқуқи учун рухсатнома-лар беришнинг белгиланган тар-тиби бузилган, аризаларни кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилган ҳолларда ва бошқа ҳар қандай масалалар бўйича қуйи-даги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-82.

Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти.

Рамазон ойи мусулмон дунёсида энг муқаддас ой ҳисобланади. Улуғ ойда ин-сонлар бир-бирларига қўлларидан кел-ганча яхшилик қиладилар, етим-есирлар-га закот берадилар. Бир-бирлари билан бақириб гапиришлари, ҳатто овозини ба-ланд қилиб гапириш ҳам гуноҳ ҳисобла-нади.

Ўзбек оилаларида яхши аъёналар кўп. Бу-лардан бири рўза кунлари ифторлик қилиб, кеч-қурун яқин қариндош-уруғлар, қўни-қўшинлар билан биргаликда оғиз очиб.

Бугун Нарғизаларнинг оиласида ҳам ифтор-лик. Рўза қиш кунларига тўғри келгани учун кун жуда совуқ. У эрталаб соат 4 да турди. Рўза тутиш учун саҳарлик тайёрлади. Қайнотаси, қайнонаси ва катта ўғли билан биргаликда са-ҳарлик қилишди.

Кечқурун бўлиб ўтган гапларни эслаб кўнгли бироз дхил бўлди. Турмуш ўртоғи кеча кеч-қурун соат 11 ларда маст ҳолда келди. «Рўза кунлари ҳам ичиб келасизми?» — деса «Сенинг пулигига инганим йўқ ёки уйингга бориб ичиб келганим йўқ. Менга ақл ўргатма, ақл ўргата-диганларим жуда кўп», — деб жеркиб берди. Ётиб ухлагунча эса соат 12 лардан ошди.

Келадиган меҳмонларнинг рўйхатини яна бир мартаба кўздан кечириб чиқишди. Рўйхатда Нарғизанинг онаси ҳам бор эди. Яқинда улар-нинг оиласи бошига катта қулфат тушган, Нар-ғизанинг акаси вафот этган эди. Ҳар қуни ол-дида юрган, яхши лавозимларда ишлаган, кат-та-кичикнинг ҳурматини ўрнига қўядиган, об-рў-эътиборли ўғлининг вафотидан онаси қат-тик қайғуриб, тез-тез касал бўлиб қолар эди. Кўпчиликнинг ичига қиришдан юраги зириллар, одамларнинг ҳар хил саволлари эзилган юра-гини яна ҳам ёзиб юборар эди.

Нарғиза онасини яхши тушунар, лекин бугун уйларида бўладиган ифторликка келмаса катта жанжал бўлишини юраги сезар эди.

Нарғиза кеча онасига телефон қилиб гап-лашди. Онаси: «Қизим, аҳолининг ўзинг яхши тушунасан, мен бора олмасам ўрнимга катта аканг, янгаларинг, опаларинг боришади. Уйинг-дагилар ҳам мени тушунишар», — деди.

Саҳарликдан сўнг Нарғиза ишга киришиб кетди. Ифторлик ҳам кичкинагина эмас, рўйхат-да 100 та одам бор.

Бир кун олдин қўй сўйишган, унинг қалла-пocasини тозалаб кечқурун қозонга солиб ёт-ган эди. Нарғиза келин бўлиб тушмасдан ол-дин, қўйнинг қалласини, қоринларини тозалаш-масдан қўшинларга олиб чиқиб беришар экан,

Келин келиши билан қўйнинг қалла, қоринлари тозаланадиган бўлди. Қалла-почалари ҳам хил-хил бўлиб пишиб кетибди. Уларни тоғорага кў-тариб қўйиб, манти учун ҳамир қорди. Кун ёри-ша бошлаганда турмуш ўртоғи уйғониб чиқди. Қўйини артиб унга чоғ тайёрлади. Кечаги қай-фи яхши тарқамган турмуш ўртоғи нимадандир жанжал чиқариши келар, «Орса ўпоқ, турса сў-поқ», — деб гагисига тегарди. Нарғиза индамай ошхонага бориб яна манти билан овора бўлди. Манти тугиб қўйиб бошқа ишлар билан уймала-шиб кетди. Бирин-кетин меҳмонлар кела бош-

Турмуш чорраҳаларида

САВОБ ИШ ҚИПАМАН ДЕБ...

лади. Нарғизанинг катта акаси, янгалари, опа-лари ҳам келишди. Катта акасига ҳам қўйин бўл-ди. Ҳар доим ёнида унга ҳамроҳ, ҳамфир, мас-лакдоши, севимли укаси энди ёнида йўқ. Ҳамма жойда укасининг ўрни билинади, бир чеккаси ҳар доим ҳувиллаб туради. Нарғиза бирдан қайнонасининг қовоғи осилганини сезди, чуқки ифторликка унинг онаси келмаган эди. Кўнгли ниманидир сезди, юраги тез-тез ура бошлади, лекин ҳеч кимга билдирмади.

Ифторлик тугаб, меҳмонлар тарқалишди. Ҳам-ма томоша кейин бошланди. Нарғиза уйларни йиғиштириб, ошхонага идиш-товоқларни ювиш учун чиқиб кетди. Уйдан турмуш ўртоғининг «Менга овқат олиб кел, ҳали овқатланганим йўқ», — деган банд овози келди. Нарғиза бир коса-га қозондаги шўврадан, бир косага қасқондаги мантидан солиб олиб кирди.

— Ароғимни олиб чиқ, — деб бақирди эри. — Ахир бугун ифторлик қилдик, шу ароғин-гизни ичмай қўя қолинг, — ялинди хотини. — Энди хотиним айтди деб, ичмайманми? Сен менга ким бўсан? — деди эри.

Нарғиза уйга кириб ароғини олиб чиқиб бер-ди. Каттагина бўлиб қолган ўғиллари отаси ичиб олгандан кейин катта жанжал бўлишини сезиб, бир отасига, бир онасига қараб индамай турар-ди. Нарғиза ишларини тугатиш учун яна ошхо-нага кириб кетди. Қизи келиб, «Ойи, сизни адам қаҳиряптилар, тез уйга қираар экансиз», — деди. Нарғиза уйига киргандан эри ароқнинг таъсири-дан қип-қизариб ўтирарди.

— Нега ифторликка онанг келмади? Нима, додахўжамисанлар? Пулларинг қўпайиб кетди-

ми? Онанг бизларни менсимайдими? Бор, сен ҳам уйингга жўна. Ўзи сени олма-сан бўлар экан, бир етимчага уйлансам, урсам ҳам, тепсам ҳам индамай юрарди.

Нарғиза нима дейишини билмас, чарчаганидан-ми ёки бўлаётган гап-сўзларидан, қўл-оёғи тит-рар, кўздан тинмай ёш оқарди.

— Нимага бирпасда кўзингнинг ёшини оқиза-сан? Нима, мени кўрқитмоқчимсан? — ўдағайлади эри.

Нарғиза энди ҳеч нарсани эшитмас, фақат бир нарсани ўйларди. Ахир эри ҳам инсон-ку, нега ўйламайди? Ифторликка онаси келмаса, акаси, янгалари, опалари келишди-ку. Онасининг боши-га тушган катта мусибати билмайди, зарра бўлса ичиб олиб жанжал қилиш шартми? Бунинг ўрнига «Нарғиза, кел, сен ҳам овқатланиб ол. Чарчаган-дирсан. Эрта саҳардан бери тик оёқда юрибсан», деса нима қиларкин.

Шуларни ўйлаб турган Нарғиза бир маҳал ке-либ тушган муштдан йиқилиб тушди. Тепасига югу-риб келган ўғли йиғлаб онасини кўтариб ва уйга олиб кириб ётқизди. Ўзига келган онаси тепасида йиғлаб ўтирган ўғлига қараб: «Ўғлим, отанг озги-на бўлса ҳам ачинишни билмайди, зарра бўлса ҳам қадримга етмайди», — деди ўқиб. Шунда ўғ-ли «Ойи, сиз ошхонага кириб кетганингизда бу-вим адамларга: «Нима, қайнонанг билан уриш-ганмисан? Нимага бизларнига келмайдиг? Қар-индошларимнинг олдига жуда уялдим», — деди-лар. Шундан сўнг адамларнинг жаҳллари чиқиб кетди», — деди.

Нарғиза ўйлаб кетди. Қайнонаси кечадан бе-ри келинининг ифторлик учун қўлидан келганча хизмат қилиб юганини кўриб турибди. Ўғлининг феълини беш қўлдек яхши билади. «Ўғлим, иф-торлик жуда яхши ўтди, меҳмонлар ҳаммаси хур-санд бўлиб кетишди. Хотининг ҳам жуда чарчади, даммини олсин», демасдан ўғлининг асабига тега-диган гапларни гапириб, келини билан ўғлини уриштириб ўтирса. Энг ачинарлиси, ифторлик қи-либ савоб топаман деб, кетидан бундай гуноҳ-ларни қилиш ҳам Нарғизанинг ақлига сиймади...

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ақл ва ахлоқда баркамол, маънавий дунё-си гўзал бир зот эдилар. У кишининг бир муборак гаплари бор: «Тили ва қўлидан би-ровга зарари етмайдиган кишигина мусул-мондир». Шу гапларга ҳеч бўлмаса улуг Ра-мазон ойларида, рўза тугган кунларимиз-да риоя қилсак яхши бўларди. Рўза кунла-ри ҳар бир мўъмин-мусулмоннинг Аллоҳ йў-лида қилган хайр-эхсонларини ўзи дарго-ҳида қабул қилсин.

Насиба МЕЛИБОЙ қизи.

Байрам дастурхонингизга

«МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ» ТОРТИ

Тухумнинг сариғи оқидан ажратиб, 1 стакан шакар билан аралаштирилади. Тухумнинг оқи эса алоҳида идишда яхшилаб кўпиртирилади. Тухумнинг сариғидан тайёр бўлган массага оз-оздан 1 стакан ун ҳамда тухумнинг оқидан тайёр бўлган масса қўшилади. Тайёр бўлган хамирни қозғоқ солинган газ патнисига солиб, ўртача оловда 15-20 дақиқа давомиде пиши-рилади. Пишиб чиққан бисквит бир оз совит-тилган, орасига крем суртилиб, рўлет шакли-да ўралади. Унинг устки қўрниниши безатиш ўз дидингизга боғлиқ.

Маъкур торти тайёрлаш учун: 8 та тухум, 2,5 стакан шакар, 1 стакан ун керак бўлади. Крем учун: 2 та тухумга 1,5 стакан шакар, 2 қошиқ ун, 1 стакан сут қўшиб қуюлгунча қайна-тилади. Сўнгра 200 грами сариёғ қўшиб ара-лаштирилади.

ШОКОЛАДЛИ КЕКС

Ушбу торти тайёрлаш учун алюмин каст-рюлга 200 гр. маргарин, 4 ошқошқ қакса, 1,5 стакан шакар ва ярим стакан сут солиб ара-лаштирилади ва ўртача баландликдаги оловда қайнатилади. Тайёр бўлган аралашмадан бир неча қошиқ қиём учун олиб қўйилади. Сўнг қолган аралашмага 2 стакан ун, ярим чой қо-шиқ истеъмол содаси ва 4 та тухум қўшасиз. Шунингдек, унга ванилин, ёнғоқ мағизи ҳам қўшасиз. Тайёр масаллиқни махсус қолилга солиб қўясиз. Кексининг пишган-пишмаганини гугурт чўпини сукиб билиш мумкин. Агар чўп қуруқ чиқса, демак кекс тайёр бўлган бўлади. Уни ликопчага олиб, устидан қиём қўйиб бе-заясиз.

Дилноза АСХАТОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ



ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, гораҳанба
ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи
209

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.